

## Набий алайҳиссаломнинг Рамазон ойида сахий бўлиб кетишлари



17:30 / 16.05.2020 2232

Омир ибн Робийъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўзадор ҳолларида мисвок қилаётганларини санаб, саноғига, ҳисоблаб, ҳисобига ета олмайдиган даражада кўп кўрганман».

Абу Довуд, Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Демак, рўза тутган одам мисвок қилиши яхши экан. Буни уламолар жумҳури кўп таъкидлаганлар. Лекин шу билан бирга, баъзи уламолар «Рўзадорнинг оғзидан чиқадиган ҳид Аллоҳнинг ҳузурини мушқу анбарнинг ҳидидан афзаллиги ҳақидаги ҳадиси шарифнинг эътиборидан завол вақтидан кейин мисвок қилмаган яхши», дейишади. Чунки ўша ҳид

рўзадорнинг оғзидан завол вақтидан кейин чиқа бошлайди.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам яхшилик қилишда одамларнинг энг сахийси эдилар. У зотнинг энг сахий пайтлари эса Рамазонда ҳузурларига Жаброил келганда бўлар эди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон тамом бўлгунича ҳар кеча у зотнинг ҳузурларига келар эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга Қуръонни арз қилар (ўқиб берар) эдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Бас, у билан Қуръонни (бир-бирларига) ўқиб беришар эди. Шунда қачон Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келса, эсанг шамолдан ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар», дейилган.

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг энг сахий одам эканликлари.
2. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг Рамазон ойида яна ҳам сахий бўлиб кетишлари.
3. Жаброил алайҳиссаломнинг Рамазон ойида ҳар кеча Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига келиб турганлиги.
4. Ҳар Рамазонда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом ҳузурларида ўқиб, ўтказиб олишлари. Шунинг учун ҳар бир мусулмон киши ҳам Рамазонда Қуръони Каримни камида бир марта ўтказиб олиши лозим.
5. Рамазонда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом Қуръон ўқишлари. Яъни, аввал Қуръонни Жаброил алайҳиссалом ўқиб бериб, кейин Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам қайтариб ўқиб беришлари. Демак, Рамазонда устозлардан шу тарзда Қуръонни ўтказиб олишга ҳаракат қилиш лозим.
6. Рамазон ойида иложи борича сахийлик кўрсатиб, бева-бечора, етим-есир ва муҳтожларга хайр-эҳсон қилиш.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**